
Янги йил эртаги болажонларда унутилмас таассурот қолдирди

Янги йил байрами арафасида Фурқат туманида ҳам жўшқин ва байрамона ҳаёт кечмоқда. Янги йил байрамига кўтаринкилик бахш этиш, болажонларга қувонч улашиш мақсадида ўзига хос байрам тухфаси тайёрланди.

Янги йил байрами томошалари болажонларни сеҳрли ва мўъжизавий эртақлар оламига олиб киради. Турли эртақлар қаҳрамонлари тимсолида яхшилик ва эзгулик ҳамиша ёвузлик устидан ғолиб бўлиши қизиқарли воқеалар орқали намойиш этилади. Бундан ташқари, қувноқ масхарабозларнинг чиқишлари, қаҳрамонларнинг жозибали қўшиқ ва рақслари болажонларга олам-олам қувонч бағишламоқда.

Болажонларнинг юз-кўзларидаги қувонч, байрамона кайфиятни кўриб, беихтиёр уларга ҳавасингиз, қувончларига шерик бўлгингиз келади.

2023-12-29 20:01:43